

## Инсон тавозеъ ва ожизлигини изҳор қилсин



10:00 / 24 январь 967

Ҳакимул уммат, Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий қуддиса сирруҳ бир улуғ кишининг куйидаги воқеасини ёзадилар:

«Бир куни бир сабаб билан оғзидан ушбу гап чиқиб кетди:

«Эй Аллоҳ! Сендан бошқа бирор нарсада менга роҳат йўқ. Бас, қандай хоҳласанг, мени шундай синаб кўр» (Аллоҳ сақласин!). Гуёки, у Аллоҳ таолони синаб кўришга чорлади. Оқибати шундай бўлдики, унинг пешоби тўхтаб қолди. Қовуғи пешобга тўлиб кетди. Лекин чиқиб кетиши учун йўл йўқ. Бир неча кун шундай ўтди. Охири, оғзидан оғир сўз чиқиб .. кетганини тушуниб етди. Бу улуғ кишининг олдида ёш болалар ўқиш учун келар эди. Шу ҳолатида беморликдан халос бўлиш учун ўша болаларга: «Ёлфончи, каззоб амакингиз ҳаққига дуо қилинглар», дер эди. Чунки, у ёлфон даъво қилган эди. Аллоҳ таоло унга кўрсатиб қўйдики, Сендан бошқа нарсада

роҳат йўқ, деб даъво қиласан. Эй банда, ҳатто пешобда ҳам роҳат бор!  
Аллоҳ таоло олдида баҳодирлик кетмайди. Инсон доим тавозеъ ва  
ожизлигини изҳор қилиб туриши керак.

**«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4  
апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари  
асосида тайёрланди.